O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 13 август, чоршанба • №65 (11.556) • Эркин нархда сотилади

## АҚШда Ўзбекистон тақдимоти

*Ўзбекистон Республикасининг АҚШдаги элчихонасида мамлакатимизга бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.*

Унда АҚШ Конгрессининг Профессионал ходимлар ассоциацияси аъзолари – америкалик етакчи сенатор ва конгрессменлар аппаратлари, Конгресснинг асосий қўмиталарида юқори лавозимли шахслар, шунингдек, савдо, мудофаа, меҳнат вазирликлари ва мамлакатнинг бошқа давлат муассасалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда ҳозир бўлганлар эътиборига давлатимиз тарихи, маданияти ва иқтисодиёти тўғрисида аудио ва видеоматериаллар ҳавола этилди. Хусусан, меҳмонлар Ўзбекистонда демократик ўзгаришлар, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар жараёни, диний эркинлик ва динлараро бағрикенглик соҳасидаги вазият билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Ўзбекистон-АҚШ икки томонлама муносабатларининг устувор йўналишларидан бири бўлмиш – халқаро терроризмга қарши курашда ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Тақдимот анжуман иштирокчиларида мамлакатимизга ҳақиқий қизиқиш уйғотди.

– Мен Ўзбекистон элчихонасида ташкил этилган бундай тадбирда илк бор қатнашмоқдаман. Тақдимот кутилгандан ҳам афзал руҳда ўтиб, мазмунан ахборотга бой бўлди. Мени мамлакатингиз бой тарихи ва маданияти, унинг савдо-иқтисодий салоҳияти лол қолдирди. Ўзбекистоннинг минтақада асосий давлат эканлигидан ва АҚШ у билан ҳар томонлама муносабатларни ривожлантириши лозимлигидан қаноат ҳосил қилдим, – деди Конгресс қуйи палатаси Илм-фан қўмитаси маслаҳатчиси Марта Шастин.

*«Жаҳон» АА.*



## УЧ ТАРМОҚ – УЧ ДАРОМАД МАНБАИ



*СУРАТЛАРДА: Эргаш Ниёзов (юқорида ўнгда) раҳбарлик қилаётган илғор хўжаликнинг бугунги фаолиятидан лавҳалар.*

*«Ўзбекистон» нафақат Оққўрғон тумани, балки вилоятда ҳам энг йирик, кўп тармоқли ва энг муҳими иқтисодий бақувват ширкат хўжаликларидан бири.*

Бу йил 451 гектар майдондаги буғдойдан 50 центнердан хирмон кўтарилди. Давлатга шартномадаги 1187 тонна ўрнига 1350 тонна дон сотилди. Хўжаликнинг ўзига 877 тонна буғдой қолди. Унинг учдан бир қисми ғаллачиликдан бошқа соҳаларда меҳнат қилаётган аъзоларга моддий рағбатлантириш мақсадида тақсимланди.

Хўжалик аъзолари чорвачилик фермасини сақлаб қолиб, янглишмаган эканлар. Эндиликда бу тармоқ ҳам мўмай даромад келтираяпти. Фермада 405 бош қорамол бор. Шундан 126 боши сигир. Ҳаммаси зотли. Улардан олинаётган урғочи бузоқлар сигирлар подасини тўлдириб бориш, буқачалар эса кейинчалик бўрдоқига боқиш мақсадида парвариш қилинади. Шу тариқа ҳар йили 80-90 бош бўрдоқининг тирик вазни 500 килограммдан оширилиб, гўштга топширилади ва 40-50 миллион сўм даромад олинади. Сутдан эса, йилига 20 миллион сўмдан зиёд даромад келади.

Хўжалик пахтакорларининг ҳам эрта кўкламдан бошлаган машаққатли меҳнатлари рўёбга чиқа бошлади. Агротехника тадбирлари вақтида ва сифатли ўтказилгани, ғўза ўғитга тўйдирилиб, сувга қондирилгани сабабли ҳосил мўл ва эрта етилмоқда. Ҳозир ҳар тупда камида 12 та бўлиқ кўсак санаш мумкин.

Шуниси диққатга сазоворки, 284 нафар пудратчининг даласида ҳосил чўғи деярли бирдек. Бу бежиз эмас. Бошқарув раиси Эргаш Ниёзов барча пудратчиларга тенг шароит яратишга ҳаракат қилади. Бунинг учун ҳар куни дала кезади, ғўза оралайди, пудратчи билан фикрлашади, маслаҳат беради. Ҳозир ҳам уни

(Давоми 3-бетда).




Фахр-ифтихор

## БУ – МЕНИНГ ҚИШЛОҒИМ!

*Ватанни севиш, уни улуғлаш, бағрида яшнаб-яйраб, ўйнаб-кулиш фахр-ифтихордир. Айниқса, Ватаннинг бир бўлаги бўлган ўз қишлоғи, унинг тарихию табиати ҳақида сўзлаш кишига завқ бағишлайди.*

Мустақилликнинг 12 йиллиги арафасида, қолаверса, «Обод маҳалла йили»да нафақат маҳалла, балки ҳар бир қишлоқ, овул, бутун юртда ободлик, кўркамлик йўлида бемисл ишлар амалга оширилмоқда.

Бизнинг Паркент ҳам азал-азалдан жаннатмакон гўша бўлган. Унинг бағрида қалби қуёш янглиғ инсонлар яшайди. Атрофини эса етти кент ўраб туради, шунинг учун Паркентни Еттикент деб ҳам аташади. Еттикент — етти гўзал ва кўркам қишлоқлардир. Улардан бири Ҳисарак...

Ҳисаракнинг шарқироқ сойлари, она замин сийнасидан билқ-билқ қайнаб чиқаётган шиша янглиғ тиниқ булоқлари жўшиб куйлайди. Худди бу манзилнинг зуваласи табиатнинг энг нозик еридан узилгандай.

Қишлоқ аҳлини айтмайсизми... Улар одамшинаванда, ширинсўз, меҳмондўст, сертакаллуф ва энг асосийси, меҳнаткаш. Мана шундай гўзал гўшанинг чиройи мустақиллигимиз шарофати ила янада кўркамлашиб бормоқда Жумладан, ўтган йили барпо этилган 4 гектарлик «Қариялар боғи» нуроний отахону онахонларимизга ўзгача туҳфа бўлди. Айниқса, қишлоғимиздан Паркент туманининг сув танқис ерларига оби-ҳаёт қувурлари тортилиши қувончли воқеа эди. Бу қурилишларга қарийб 10 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Ҳисарак қишлоғи фуқаролар йиғини раиси Ҳасан Ҳаққулов ҳамиша ободончилик ишларига бош-қош. Қишлоқда гузарлар, чойхоналар барпо этилди. Бу ерда бажарилаётган ҳар бир хайрли иш қишлоқ равнақига равнақ, шуҳратига шуҳрат, кўркига кўрк қўшаётир.

***Саиджон МАҲСУМОВ,***
***Паркент туманидаги 5-ихтисослашган мактаб ўқувчиси.***

## ЮРТИМИЗГА ҚИЗИҚИШ КАТТА

*Корея Республикасининг Жежу шаҳрида Корея импорт уюшмаси (KOIMA) томонидан мамлакатга маҳсулот олиб кирувчи етакчи ташкилотлар раҳбарлари учун анъанавий йиллик семинар ташкил қилинди. Унда Ўзбекистоннинг Кореядаги элчихонаси вакиллари ҳам иштирок этишди.*

Асосий мақсади Кореяга ташқаридан маҳсулот олиб кирувчи ташкилотлар билан хорижий компаниялар вакиллари орасидаги муносабатларни яхшилашга қаратилган бу йилги семинарда Кореянинг 200га яқин ташкилоти, Сеул шаҳрида аккредитациядан ўтган элчихона вакиллари ва Корея бозорида фаолият олиб бораётган хорижий компаниялар иштирок этишди.

Семинар давомида Корея кичик ва ўрта бизнес вакиллари ҳамда семинарнинг бошқа иштирокчиларига Ўзбекистон элчихонаси томонидан Ўзбекистондаги инвестицион муҳит ва Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти таништирилди. Кореяга экспорт қилиш учун мос тушадиган маҳсулотлар, шу жумладан минерал хом-ашё, кимёвий маҳсулотлар, пахта толаси, турли металлар, мева-сабзовотларни қайта ишлаш махсулотлари, қуруқ мева ва ёнғоқ каби экспортбоп молларга кўпроқ эътибор қаратилди. Бу эса Корея ишбилармон доираси вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

Семинар якунида импорт билан шуғулланувчи Корея ташкилотлари Ўзбекистон вакиллари билан музокара олиб боришди ва кўргазмага қўйилган молларни импорт қилиш мавзусини Ўзбекистондаги ташкилотлар билан янада кенгроқ муҳокама қилишга қизиқиш билдиришди.

*«Жаҳон» АА.*

## ТАТАРИСТОН ҲУКУМАТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

*Россия Федерациясининг Татаристон Республикаси Бош вазири Рустам Минниханов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси 12 август куни Ўзбекистонга келди.*

Татаристоннинг ҳукумат аъзолари ва йирик саноат корхоналари раҳбарларидан ташкил топган мазкур делегация дастлаб "Ўзавтойўл" концернида музокара ўтказди.

Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, "Ўзавтойўл" концерни раиси Рустам Юнусов билан суҳбат чоғида автомобил йўллари қуриш ва соҳа учун техника етказиб беришга оид масалалар муҳокама қилинди. Афғонистондаги автомобил йўлларини ҳамкорликда барпо қилиш, кўприклар бунёд этиш борасида фикр алмашилди.

Татаристоннинг "КамАЗ" акционерлик жамияти ва "Нижнекамскшина" каби саноат корхоналари раҳбарлари йўлсозликда ишлатиладиган техника ва эҳтиёт қисмларни етказиб бериш, техникавий хизмат кўрсатишда яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини билдирди. Учрашувда ўзаро ҳамкорлик борасидаги музокараларни мутасадди вазирлик ва ташкилотлар даражасида давом эттиришга келишиб олинди.

Шу куни Татаристон делегацияси Тошкент шаҳри ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов билан ҳам музокара ўтказди. Суҳбат чоғида Тошкент ва Қозон шаҳарлари ўртасида амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

Меҳмонларнинг "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси раиси Азимжон Аюпов билан суҳбатида Ўзбекистон билан Татаристон Республикаси ўртасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида кенг қамровли ҳамкорликни йўлга қўйиш икки томон учун ҳам манфаатли бўлиши таъкидланди.

*ЎзА.*

## ЯРАТУВЧИЛАР ЭЪЗОЗДА

*Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил март ойида эълон қилинган "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"-ги Фармонига мувофиқ бугунги кунда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг мустақиллигини кенгайтириш билан бирга уларнинг ишончли ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор бериляпти.*

Бугунги кунда деҳқонларимиз тайёрлов, қайта ишлаш ҳамда хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари билан тўғридан тўғри шартномавий муносабатга киришиб, уларнинг асосий истеъмолчиларига айланяпти. Истеъмолчилар эса амалдаги қонунларимизга мувофиқ, энг яхши хизматлардан баҳраманд бўлишга ҳақли.

Соҳадаги бу ижобий ўзгаришлар ризқ-рўз яратувчи деҳқонларимизнинг янада кенг эъзоз топаётганидан дарак беради, албатта. Бу ислоҳотларнинг ҳаётда тўла акс этиши учун эса соҳа вакиллари ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши англаб етишлари муҳим аҳамият касб этади. Айни шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди томонидан жойларда, деҳқон ва фермерлар ҳузурида амалий анжуман ва очиқ мулоқотлар ўтказиб келиняпти.

Шундай тадбирлардан бири Тошкент вилоятининг Пскент туманида бўлиб ўтди. Унда ширкат хўжаликлари раҳбарлари, фермер ва деҳқонлар ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа муассасалар вакиллари иштирок этди.

Тошкент вилояти хўжалик суди судьялари айрим фермер ва деҳқонларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб судга ёзган даъво аризалари шу ернинг ўзида қабул қилиниб, кўриб чиқилди. Қишлоқ шароитида айни иш қизиган паллада амалга оширилаётган бундай чора-тадбирлар деҳқонларни ортиқча овора-гарчиликдан халос этмоқда.

*ЎзА.*

# ВИЛОЯТ ҳаёти

## УЛАР ЭНДИ ТАЛАБА

*Айни кунларда мамлакатимиздаги барча ўқув юртларида давлат тест синовларининг натижалари эълон қилинмоқда.*



Тошкент Давлат аграр университетига 4217 нафар абитуриент ўз ҳужжатларини топширган эди. Шундан 1153 нафари талаба бўлиш бахтига муяссар бўлди.

Улардан 440 нафари давлат гранти асосида билим олади, 713 нафари эса тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинди.

Талабалар бу ерда 10 та ихтисослик бўйича мутахассисликларга эга бўладилар.

## ЖАРАЁН ДАВОМ ЭТМОҚДА

*Чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва саломатлигига, атроф-муҳитга зарарини камайтириш мақсадида «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонун қабул қилинганига бир йилдан ошди.*

У маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнида ҳосил бўладиган чиқитларнинг инсон саломатлиги, атроф-муҳитга таъсирини камайтиришда барчани бирдек масъулликка чорлайди.

Шу боис атроф-муҳит мусаффолигини таъминлаш, табиат бойликларидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш масалаларига кенг эътибор қаратиляпти. Бир қанча корхоналар, жумладан, Ангрендаги «Қалинқоғозсавдо» акциядорлик жамиятида 160 тонна чиқинди қоғоз қайта ишланмоқда. Янгийўл шаҳридаги «Авесто-Шамс» хусусий корхонасида эса пластмасса маҳсулотларини қайта ишлаш йўлга қўйилган. Вилоятда ушбу жараён давом этмоқда.

## АСР ВАБОСИ ҲАҚИДА СУҲБАТ

*XXI аср вабоси сифатида эътироф этилган ОИТС ва гиёҳвандлик иллатлари ҳамда камқонлик, гепатит, бўқоқ каби қатор хасталиклардан сақланиш, ёшларни улардан асраш муҳим масалалар сирасига киради .*

Зангиота тумани халқ таълими бўлимига қарашли 4-сон болалар боғчаси тарбиячилари ўртасида шу мавзуга бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Унда туман бош эндокринологи Малика Ходихўжаева ва туман саломатлик маркази бош шифокори Эркин Жўрабоев иштирок этишди. Суҳбат давомида тадбир иштирокчилари касалликларнинг юқиши, уларнинг олдини олиш омиллари хусусида маълумотга эга бўлдилар. Савол-жавобларга бой бўлган тадбир иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

***Гўзал СОЛИЖОНОВА.***

## БОШҚАРМАНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вилоят бошқармаси «Бандлик» дастурининг ижросини таъминлаш борасида муайян натижаларга эришмоқда.*

– Ўтган олти ой ичида 18 мингдан ортиқ янги иш жойи яратилди, – дейди бошқарма мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи М.Юсупов. – Уларнинг 11 мингга яқини қишлоқ жойларидадир. Шу вақт оралиғида бизга ўн бир минг киши иш сўраб мурожаат қилди. Шулардан саккиз минг олти юз нафари иш билан таъминланди. Бир минг олти юз кишига эса ишсизлик нафақаси белгиланди.

## «КАМОЛОТ» ТАШАББУСИ БИЛАН

*«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти кенгашининг «Ҳаракат фаолиятини янги босқичга кўтаришда ўзаро ҳамкорликнинг ўрни» мавзуи муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.*

Унда ёшлар ҳаракатининг туман ҳамда шаҳар кенгашлари раислари, вилоятдаги бошланғич ташкилотлар етакчилари, спорт тўгараклари ва клублари раҳбарлари, халқ таълими, ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари, вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, ҳарбий қисмлар, «Маҳалла», «Нуроний», «Соғлом авлод учун», «Болалар» жамғармалари, «Маънавият ва маърифат» маркази сингари жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова қатнашди ва сўзга чиқди.

Йиғилишда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигидаги тадбирлар ягона дастурини ишлаб чиқиш, бошланғич ташкилотларда ёшларни спорт тўгаракларига жалб этиш, бу турдаги ва бошқа йўналишлардаги тўгараклар сони ва сифатини ошириш, уларда мавжуд шароитларни яхшилаш, ёшлар ўртасида ишсизликнинг олдини олиш, маданий ҳордиқ чиқаришлари учун қулайликлар яратиш борасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш хусусида мулоҳазалар тингланди.

***Ўз мухбиримиз.***

Кўргазма-савдо

# КИМНИНГ МОЛИ ХАРИДОРГИР?

*Чирчиқ шаҳридаги «Универсам»да кузлик-қишлик кийимлар кўргазма-савдоси очилди. Бир ҳафта давом этадиган ушбу тадбир давомида «Ўзбекенгилсаноат», «Ўзбекчармпойабзал» ва «Ўзбек ипаги» давлат акциядорлик компаниялари тизимида фаолият юритаётган 40 дан зиёд корхоналарнинг вакиллари харидорларга ўз маҳсулотларини тавсия этадилар.*

Пештахталарни тўлдириб, ранг-баранг товланиб турган маҳсулотлар кўзни қувонтиради. Кўргазма-савдога ташриф буюрганлар мўйнали қалпоқ, пальто ва пойабзалдан тортиб, ҳар хил шойи газламаларни харид қилишлари мумкин.

Кийим-кечакларнинг сифатига эътироз йўқ. Бироқ, уларнинг бичими масаласида бундай дейиш қийин. Афтидан, корхоналарда кийим-кечакларнинг янги, замонавий турларини яратиш хусусида кейинги йилларда изчил иш олиб борилмай қўйилган кўринади. Ҳолбуки, бугунги истеъмолчи кийимларни танлаб, дид билан кийинишга одатланган. Бизнинг корхоналаримиз эса, асосий эътиборни сифатга қаратиб, мода масаласида яхши изланишмаяпти.

Масалан, Чирчиқдаги «Ғунча» фирмасининг болалар ва катталар учун мўлжалланган қишлик кийимлари тўқсонинчи йиллардаги газмоллардан ўша давр талабига мос тикилган. Ваҳоланки, кейинги ўн йил давомида истеъмолчиларнинг талаби кескин ўзгарди ва тез кир бўладиган матолардан тикиладиган оғир, қўпол курткалар урфдан қолган.

Кўргазма-савдога қўйилган кўплаб пойабзаллар ҳақида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Тўғри, улар пишиқ тикилган. Бироқ, бундай оёқ кийимлари замонавий универмаг эмас, балки антиқий моллар дўкони пештахтасидан жой олиши лозим.

Шу муносабат билан ўринли савол туғилади: нега шундай?

Бизнингча, асосий сабаб — кўргазма-савдода фақат йирик корхоналар иштирок этаётганида. Уларда моделларни тез-тез ўзгартириб, ишлаб чиқариш технологиясини ҳам шунга мослаб қайта ўрнатиш анча мураккаб. Кичик хусусий фирмалар эса, мослашувчан бўлиб, қайта қуриш жараёни тез ва осон кечади. Шу боис улар ҳозир давлат корхоналари билан ҳам, хорижий ишлаб чиқарувчилар билан ҳам бемалол рақобатлашмоқдалар. Чунончи, Тошкент туманилик тадбиркор Рихсибой Матёқубовнинг Италия технологияси асосида тикилган пойабзаллари пештахтада туриб қолмайди.

Эътироф этиш керакки, кўргазма-савдода рақобатбардош маҳсулотлар ҳам оз эмас. Масалан, «Марғилонипакгазлама» фирмасининг машҳур шойи газламалари, «Тошкент чинни заводи»нинг бежирим ва кўркам идишлари харидорларга манзур бўлаяпти. Ушбу маҳсулотлар қўйилган пештахталар истеъмолчилар билан доимо гавжум.

Хулоса шуки, бошқа корхоналар ҳам ишлаб чиқариш технологиясини имкони борича тезроқ янгилашлари зарур. Акс ҳолда, навбатдаги кўргазма-савдоларда уларнинг маҳсулотлари пештахталардан тушиб қолиши ҳеч гап эмас.

***Ўз мухбиримиз.***




***СУРАТЛАРДА:*** *кўргазма-савдодан лавҳалар.*

***Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.***




## ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР

*Республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда "Маҳалла: фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ҳуқуқий асослари" китобини нашр этди.*

Кўп нусхада чоп этилган бу нашрдан Президентимиз Ислом Каримовнинг маҳалла фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштиришга доир фармонлари ва нутқлари, қонунлар, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ўрин олган.

Тўпламда мустақиллик йилларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг миллий модели сифатида тикланган маҳалла тизими фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар батафсил ёритилган.

***ЎзА.***

Ўзбекистон – НАТО:

# ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

*Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг ҳарбий соҳадаги ҳамкорлиги муваффақиятли ривожланиб, Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги билан АҚШ ва Европанинг қатор мамлакатлари, Туркия, Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон ҳарбий муассасалари ўртасида мустаҳкам амалий муносабатлар ўрнатилди. Бу ҳамкорлик шахсий таркиб тайёргарлигини мукаммаллаштириш, илғор тажриба алмашиш, қўмондонлик кадр ва штаблар тезкор тайёргарлигини такомиллаштиришда ёрдам бермоқда. Давлатимиз Қуролли Кучларининг НАТО «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастуридаги қатнашувига алоҳида эътибор қаратилмоқда.*

Мамлакатимизнинг Қуролли Кучлари АҚШ, Норвегия ҳудудида ўтказилган қатор йирик тинчлик йўлидаги ҳарбий машқларда фаол иштирок этиб келмоқда. «Марказий Осиё батальони-97» тинчлик ўрнатувчи ҳарбий машқлари жангчиларимизнинг жанговар ва жисмоний тайёргарликлари даражалари ўсганлиги, уларнинг мураккаб ўқув-жанговар ва тинчлик ўрнатувчи вазифаларни бажариш маҳоратларини намоён этди. Хавфсизликни мустаҳкамлаш, ўзининг бор кучи, билими ва ғайратини Ватан ҳимояси ишига, мамлакат ва минтақадаги тинчлик ва барқарорлик ишига сарф этиш — қаерда бўлмасин ва қандай вазифани бажармасин, ҳар бир ўзбекистонлик жангчининг бурчидир. Ҳар бир жангчи, бўлинма, қисмнинг жанговар маҳорати, касб тайёргарлиги, руҳий-маънавий чиниққанлиги ва жанговар шайлиги мамлакатимиз Президенти — Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондонининг талаблари даражасида бўлиши даркор.

«Рейнжерлар мактаби» — Қўшма Штатлар армиясида ҳар жиҳатдан энг обрўли бўғин ҳисобланади. Бу ерда рейнжер бўламан дегувчиларга қўйиладиган талаблар жуда катта. Бир сўз билан айтганда, улар ҳар қандай шароитда ҳаракат қила олиши, ҳарбий тайёргарликни мукаммал билиши керак. Ватандошимиз Бахтиёр Ҳамидов ана шу курсни тўлиқ тугатиб, махсус диплом олди. Бунинг устига ўқиш давомида олий мактаб талабалари ўртасида «Темир йигит» соврини учун анъанавий мусобақа ташкил этилган. Беллашув қатнашчилари бир неча босқичдан иборат, таъбир жоиз бўлса, ўта оғир шартларни матонат билан бажариши лозим. Олис масофага тез югуриш, жисмоний тайёргарлик бўйича топшириладиган тестлардан ташқари, душманни таъқиб қилиш ёки унинг таъқибидан осонлик билан қутилиш, синов майдонларидан ўтишни ана шундай шартлар сирасига киритиш мумкин.

Хуллас, Бахтиёр барча қийинчиликларни мардона енгиб, рейнжерлар орасида энг яхши натижани қўлга киритди. Бу билан Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди сингари дунёга довруғи кетган мард, жасур саркардалар авлодидан эканлигини исботлаб, курснинг энг кучли талабаси, деб тан олинди. Капитан Бахтиёр Ҳамидов ўзбек офицерлари корпусининг муносиб вакили эканлигини исботлади.

НАТО ҳамкорлиги дастури асосида кўплаб Ўзбекистонлик офицерлар ўз мутахассисликлари, чет тилларни ўрганиш юзасидан таҳсил олдилар, амалий тайёргарликдан ўтдилар. Шунингдек, НАТО мамлакатлари офицерлари ҳам Тошкентда ҳарбий хизматчиларимиз билан бир неча бор турли семинарлар, учрашувлар ўтказиб, тажриба алмашдилар. Бунинг барчаси мамлакатимиз Қуролли Кучларининг янада мустаҳкамланишига ҳисса қўшмоқда.

Мустақиллик нафақат хорижга янги билим, тажриба ўзлаштириш учун эркин қатновга, шунингдек, ўз тайёргарлигимизни, замонавий қуролдан фойдаланиш маҳоратимизни намоён этиш учун ҳам имконият берди. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари вакиллари тинчликпарвар ҳарбий машқларнинг фаол қатнашчисига айланди.

Ўзбекистонлик жангчилар взводининг 1995 йилда НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури доирасидаги «Ҳамкорлик куртаклари-95» ҳарбий машқларида қатнашуви унинг халқаро майдонга илк чиқиши бўлди. Ҳарбий хизматчиларимиз Американинг Луизиана штатидаги ноқулай шароитлардаги ҳарбий машқларда иштирокчи мамлакатлар армияси вакиллари билан, шунингдек, ҳарбий жиҳатдан ривожланган давлатларнинг профессионал аскарлари билан тенгма-тенг ҳаракат қилдилар.

1995 йил Қозоғистон Республикасининг Жамбул шаҳрида учрашган Марказий Осиё давлатлари президентлари И. Каримов, А. Акаев ва Н. Назарбоев Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон ҳарбий хизматчиларидан ташкил топган жамоа — тинчликпарвар кучлар батальони тузиш тўғрисидаги ҳужжатни имзоладилар. Батальон БМТ ҳомийлигида тузилди. Бу батальон «Марказий Осиё батальони» деган ном олди.

Уч давлат ҳарбийларидан ташкил топган «Марказий Осиё батальони» илк бор 1996 йилги НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури доирасида АҚШ ҳудудида, Шимолий Каролина Штати, Кемп-Лежун денгиз пиёдалари полигонида ўтказилган «Кооператив оспрей-96» тинчлик йўлидаги ҳарбий машқларда қатнашди. Мазкур ҳарбий машқларда НАТОга аъзо бўлган 16 мамлакат вакиллари, Марказий ва Жанубий Европа, Марказий Осиё мамлакатларининг ўн минг нафардан зиёд ҳарбий хизматчилари қатнашган эди.

Бу сафар ҳам ўзбекистонлик ҳарбий хизматчилар юқори жисмоний ва тактик уқувлиликни, АҚШ денгиз пиёдалари ва бошқа қуролдош ҳамкорлар билан тенгма-тенг ҳаракат қилишга қодирликларини намойиш этдилар. 1997 йили ўзбекистонлик ҳарбий хизматчиларнинг тинчлик йўлидаги ҳарбий машқларда қатнашуви сезиларли даражада кенгайди. Май ойида Тошкент умумқўшин командирлар, Чирчиқ танкчи-муҳандис командирлар олий ҳарбий билим юртлари курсантларидан иборат йиғма аэромобил взводи Норвегияда ўтказилган «Кооператив баннерс-97» қўшма ҳарбий машқларида қатнашди. Ўша йилнинг июль ойида эса, Луизиана штатининг Форт-Полк ҳарбий базасида «Кооператив наггет-97» тинчлик йўлидаги машқлари ўтказилиб, унда яна ўзбекистонлик ҳарбий хизматчилар қатнашди.

1997 йил НАТО ва Ўзбекистон ҳамкорлиги доирасида республикамиз ҳудудида Марказий Осиёда илк бор АҚШ, Туркия, Россия, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ҳарбий хизматчилари иштирокида «Марказий Осиё батальони-97», 1998 йилда «Марказий Осиё батальони-98» йирик масштабли ҳарбий машқлар бўлиб ўтди. Бу машқлар аскарларимизнинг тактик тайёргарлиги ўсганлигини кўрсатмоқда. Президентимиз Ислом Каримов «Марказий Осиё батальони-97» тинчлик йўлидаги ҳарбий машқлар қатнашчиларига мурожаатида шундай ёзган эди: «Марказий Осиё минтақасида биринчи йирик масштабли тинчлик йўлидаги ҳарбий машқлар ўтказилиши Ўзбекистоннинг БМТ, ОБСЕ, НАТО «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури доирасида минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш бўйича фаол ташқи сиёсий фаолият олиб бораётганлигининг яна бир яққол тасдиғи бўлди». Мазкур ҳарбий машқлар — НАТО ва Ўзбекистон мамлакатлари ҳарбий ҳамкорлигининг йилдан-йилга мустаҳкамланиб, уларнинг халқаро майдондаги обрўсининг ошиб бораётганлигидан далолатдир.

***Ҳамдам СОДИҚОВ,***
***тарих фанлари доктори, профессор.***

# МАҲАЛЛА ГУЗАРИ ВА САВДО МАРКАЗИ

*Тошкент туманида «Орзу» маҳалла гузари ва савдо маракзи иш бошлади. Мазкур иншоотлар маҳалла фаровонлигига муносиб ҳисса қўшган марҳум Отабой Турсуновнинг фарзандлари томонидан бунёд этилди.*

— Обод маҳалла деганда мен баркамол ва маънан етук фарзандлар тарбиялаш билан бирга, кўчалар тозалиги, хонадонлар осойишталиги, кўчат экиб боғ яратиш ишлари учун масъулликни тушунаман, — деди маҳалла оқсоқоли Эркин Турсунов. — «Обод маҳалла йили»да ҳар ким ўз маҳалласини ободонлаштиришга, унинг нуфузини оширишга ҳаракат қилади. Маҳаллага қўшилган ҳисса унинг жамиятга қўшган ҳиссаси ҳисобланади. Бунёд этилган маҳалла гузари ва савдо маркази маҳалладошларимизга «Обод маҳалла йили»да ва истиқлолимиз шодиёналари муносабати билан байрам туҳфаси бўлди.

Э. Турсуновнинг таъкидлашича, гузар ва савдо расталари, озиқ-овқат маҳсулотлари дўкони ҳамда нон маҳсулотлари тайёрлайдиган цехлар қурилиб, ободонлаштирилган жойлар илгари ташландиқ ҳолатда бўлган эди.

Маҳалладаги қарияларнинг қувончи чексиз, барча қулайликларга эга оталар чойхонаси улар ихтиёрига топширилди.

Гузарнинг очилиш маросимида сўзга чиққанлар Турсуновлар оиласини шифокорлар сулоласи сифатида ўзига хос ҳурмат-эҳтиромга эга эканлигини эътироф этишди. Оиладаги саккиз фарзанднинг беш нафари шифокор. Улар келгусида тумандошлари учун замонавий тиббий анжомлар билан жиҳозланган шифохона қуришни режалаштирмоқда. Мазкур гузар ва савдо маркази бир йўла Қибрай ва Тошкент туманлари аҳолисига хизмат қилади.

***«Туркистон-пресс».***




***СУРАТДА:*** *гузарнинг умумий кўриниши.*
***Даврон АҲМАД олган сурат.***

Қарор ва ижро

# ДАСТЛАБКИ ЧОРАЛАР САМАРАСИ

*Мамлакат иқтисодиётини кўтаришда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш тобора катта аҳамият касб этмоқда. Тадбиркорликка оид қонунчилик мукаммаллашиб бораётганлиги, хусусан, хорижий сармоядорларда қизиқишни кучайтирмоқда. Янги-янги қўшма корхоналар барпо этилаётгани бунинг далилидир.*

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси яна бир муҳим қарор қабул қилди. У республикага хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб қилиш шарт-шароитларини янада қулайлаштириб, уларни ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалий механизмини барпо этишни таъминлади.

— Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 2 майда қабул қилинган «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мамлакатимиздаги инвестиция муҳитини кескин яхшилашга хизмат қилмоқда, — деди Тошкент вилояти ҳокимлиги Адлия бошқармасининг бошлиғи Бахтиёр Отаматов. — Шу қарорга биноан бошқармамиз қошида хорижий инвестициялар ва улар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими ташкил этилди.

Унинг ходимлари хорижий инвесторларни ва уларнинг инвестициялари иштирокидаги корхоналарни жавобгарликка тортишнинг асослилигини ҳужжатлар асосида ўрганиб, қонуннинг аниқланган бузилишлари, унга олиб келган шарт-шароитларнинг сабабларини бартараф қилиш тўғрисида тақдимномалар тайёрлайди. Уларнинг маълум муддатларда бажарилиши мажбурий ҳисобланади. Қарорда адлия органларига бундай корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган ҳолларда, шунингдек, мансабдор шахслар томонидан тақдимнома бажарилмаган тақдирда тегишли идоралар олдига айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалаларни қўйиш, назорат қилувчи ҳамда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг ҳаракати ёки қарорларини тўхтатиб қўйиш ваколати ҳам берилган.

— Қарор қабул қилинганига ҳам уч ойдан ошди, янги бўлимнинг дастлабки қадамлари қандай натижа бермоқда? — сўраймиз бошқарма бошлиғидан.

— Бу қарор мамлакатимизда хорижий инвестициялар учун соғлом муҳитни яратишда муҳим ўрин тутажаги қисқа муддатдаёқ сезила бошлади, — деди Бахтиёр Иброҳимович. — Дастлабки пайтларданоқ ёрдам сўраб ёзилган мурожаатномалар ола бошладик. Чунончи, Қибрай туманининг Геофизика қўрғонида жойлашган «ELSUN — FARMBUYUM» қўшма корхонасининг менежери бизга мурожаат қилиб, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси томонидан ноқонуний ундирилган 8 миллион сўмдан кўпроқ қўшимча қиймат солиғини қайтариб олишда ёрдам сўради.

Масалани ўрганиш жараёнида чиндан ҳам Тошкент шаҳар божхона бошқармаси юридик хизмати бош нозири F. Толипов, тўловлар бўлими бошлиғи З. Шавқиев, шу бўлим нозири Х. Абдураҳимов ишда қонунбузилиш ҳолатлари содир этилишига йўл қўйганликлари аниқланди.

Асосий фаолияти ишлаб чиқариш бўлган мазкур қўшма корхона хомашёни четдан олиб келади. Импорт хомашё маҳсулоти Тошкент шаҳар божхона бошқармаси орқали рўйхатдан ўтказилиб, божхона солиғи олинади.

Айни шу жараёнда амалдаги қонунлар нотўғри қўлланилиб, қўшма корхонанинг ҳуқуқлари бузиб келинган.

— Бу ҳуқуқбузилиш ҳолати қандай намоён бўлганлигини ойдинлаштириб берсангиз?

— Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисидаги қонунига биноан муайян шартлар асосида корхона барча солиқларни тўлашдан озод этилади. Жумладан, «ELSUN — FARMBUYUM» қўшма корхонасида ишловчиларнинг 50 фоиздан ортиғини ногиронлар ташкил этади.

Афсуски, Тошкент шаҳар хўжалик судининг корхона фойдасига чиқарган учта қарорига қарамасдан Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари ноқонуний солиқ ундиришни давом эттираверганлар.

Ниҳоят, Тошкент вилоятининг Адлия бошқармаси бу қонунбузарликка чек қўйди. Вазирлар Маҳкамасининг 205-сонли қарорига асосан Тошкент шаҳар божхона бошқармасига қонунийликни таъминлашга қаратилган бажарилиши мажбурий тақдимнома киритилди. Фақат шундан кейингина ноқонуний ундирилган 8 миллион 7718 сўм қўшимча қиймат солиғи қўшма корхонага қайтарилди.

Қибрай туман солиқ инспекцияси ҳам Ўзбекистон — Америка «INTER-ROHAT» қўшма корхонасидан ноқонуний равишда 2,6 миллион сўм даромад солиғи ундирган. Бу ҳолатда ҳам Адлия бошқармаси масалани синчиклаб ўрганиб, қўшма корхонани икки йил муддатга даромад солиғидан озод қилиш, ноқонуний ундирилган даромад солиғини қўшма корхонага қайтариш ва қонун бузилишига йўл қўйган шахсларга нисбатан интизомий жазо чорасини кўришни сўраб, тақдимнома киритди.

Кўриниб турибдики, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар ўз самарасини бера бошлади. Бу мамлакатимизда инвестиция муҳитини соғломлаштириб, хориж сармоядорларида ишончни кучайтирмоқда, республикамизга чет эл сармоясининг киритилиши сезиларли жонланмоқда.

***Жўрабек МУРОДОВ.***

15 август — Ҳиндистон мустақиллиги куни

# КАТТА ЙЎЛ МУҚАДДИМАСИ

*Ҳиндистонда мустақиллик билан алоқадор иккита байрам бор — Республика куни ва мустақиллик куни. 1950 йил 26 январь Ҳиндистоннинг республика деб эълон қилинган куни бўлса, 15 августга тўғри келадиган мустақиллик куни 1947 йилга, Британия Империясининг 200 йилдан ортиқроқ ҳукмронлигига барҳам берилган даврга бориб тақалади.*

1947 йил 15 август куни мамлакатнинг биринчи Бош вазири Жаваҳарлаъл Неру Ҳиндистон тимсоли саналувчи уч рангли байроқни Деҳлидаги Қизил Қалъа (Red Fort) пештоқига илиб, мустақиллик қўлга киритилганини расман эълон қилди. Мустақиллик арафасида, ўша йилнинг 22 июль куни қабул қилинган миллий байроқ мана 56 йилдирки, Қизил Қалъа пештоқида ҳилпираб, мамлакат мустақиллигини ифодалаб турибди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг тарихи ва маданияти бир-бирига муштарак. Айниқса бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари даврида анча тараққий этган муносабатларимиз икки мамлакат халқларининг азалий дўстлигига замин яратди. Бобурдан олдин келган султонлар Ҳиндистонни талон-тарож қилган бўлсалар, ул зот ва унинг авлодлари Ҳиндистонни ватан билиб, уни обод этиш ва марказлашган давлат қуриш учун катта ҳисса қўшдилар.

1966 йил Ҳиндистон бош вазири Лал Баҳодир Шастри ва Покистон давлат раҳбари фельдмаршал Аюбхон томонидан Тошкентда имзоланган тинчлик декларацияси Жанубий Осиёнинг икки қўшни давлати орасида 1965 йил бошланган урушга барҳам берган эди. Ўзбек халқининг ҳинд халқига, унинг маданиятига бўлган самимий муносабатини яна кўплаб мисоллар билан тасдиқлаш мумкин. Бугунги Тошкентнинг марказий кўчаларидан биридаги майдонга ўрнатилган Лал Баҳодир Шастри ҳайкали ва унинг номи билан аталадиган 24-ўрта мактаб, Тошкент шарқшунослик институтида ҳиндшунослик фани ва ҳинд тилларининг ўқитилиши бунга ёрқин далил бўла олади.

Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий муносабатларнинг ҳуқуқий асосини яратиш мақсадида бугунгача Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида 45 та ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар имзоланган. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида Ҳиндистон ишбилармонлари иштирокида тузилган 65 та корхона фаолият олиб бормоқда. Уларнинг 40 таси қўшма, 25 таси эса тўлалигича хорижий капитал билан иш юритади.

Бугунги кунда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда жадал ривожланаётган алоқаларимиз Ўзбекистон мустақиллигидан кейин янги даврга қадам ташлади. Ўзбекистон мустақиллиги Ҳиндистон томонидан 1991 йил 26 декабрь куни тан олинди ва 1992 йил 18 март куни Тошкентда икки давлат орасида дипломатик алоқалар ўрнатиш ҳақидаги протокол имзоланди. Орадан беш ой вақт ўтиб, 1992 йил сентябрда Ҳиндистон пойтахти Деҳли шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг консуллиги очилди. Орадан икки йил ўтиб, бу консуллик Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги элчихонаси мақомини қўлга киритди. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов уч маротаба — 1991, 1994 ва 2000 йилларда расмий ташриф билан Ҳиндистонда бўлди. Ҳиндистон номидан эса 1993 йили бош вазир Нарасимха Рао расмий ташриф билан Тошкентга келди. Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси 1992 йилдан бери фаолият олиб бормоқда.

15 август куни 1 миллиарддан ортиқ Ҳиндистон аҳли мустақиллик байрамини нишонлайди. Ҳиндистоннинг биринчи бош вазири Жаваҳарлаъл Неру таъкидлаганидек: «Ҳиндистон узоқ йиллар давомида мустақилликка интилиб яшади ва 1947 йил 15 август куни барча орзуларини рўёбга чиқарди. Бу шундай янгиликки, тарих ҳали унинг мислига гувоҳ бўлмаган, бу шундай янгиликки, Ҳиндистон уни ҳеч қачон эсдан чиқармайди».

***Авазбек БЕРДИҚУЛОВ,***
***«Жаҳон» ахборот агентлиги.***

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

# "ПАХТАКОР"НИНГ НАВБАТДАГИ ЙИРИК ҒАЛАБАСИ

*Мамлакатимизнинг саккиз стадионида футбол бўйича Ўзбекистон XII миллий чемпионатининг олий лига жамоалари 17-тур учрашувларини ўтказди. Голларга бой бўлган ушбу турда дарвозаларга 41 тўп киритилди. Совринли ўринлар учун курашаётган жамоаларнинг барчаси ўз майдонида ўйнади.*

Ўтган турда "Нефтчи"нинг мағлубиятидан унумли фойдаланиб жадвалда пешқадам бўлиб олган "Пахтакор" ўз майдонида "Цементчи"ни қабул қилди. Тошкентликлар ушбу учрашувда йирик – 6:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Қизиғи, ўтган турда ҳам "Пахтакор" "Дўстлик"ни худди шу ҳисобда енгган эди.

Иккинчи давранинг дастлабки ўйинида "Навбаҳор"дан қақшатқич зарбага учраган "Нефтчи" "Трактор" билан куч синашди ва 5:3 ҳисобида ғалабага эришди. Эътиборлиси шуки, фарғоналиклар биринчи даврадаги 15 учрашувда ўз дарвозасидан атиги 9 тўп олиб чиққанди. Бироқ сўнгги икки ўйинда "Навбаҳор" ва "Трактор" футболчилари "Нефтчи" вакилларини беш марта ўйинни майдон марказидан бошлашга мажбур қилди. "Нефтчи" ҳимоя чизиғини мустаҳкамламаса, олтин медал учун курашда панд еб қолиши мумкин.

Совриндорлар сафидан жой олишга ҳаракат қилаётган "Насаф" ўтган ўйинда "Бухоро"дан мағлубиятга учраб, қимматли уч очкони йўқотганди. Лекин мағлубиятдан тўғри хулоса чиқарган қаршиликлар бу гал "Андижон"га имконият қолдирмади. Ҳисоб – 4:2.

Бронза медал учун асосий даъвогар бўлиб турган "Қизилқум" яна очко йўқотди. Ўз майдонида "Машъал"ни қабул қилган "Қизилқум" футболчиларидан М. Идиатуллин 57-дақиқада ҳисобни очди. Ўйин тугашига ўн беш дақиқа қолганида М. Суюнов жавоб тўпини киритди – 1:1. Шундай қилиб, "Машъал" Қашқадарёнинг яна бир жамоаси – "Насаф"га зарафшонликларга етиб олиш учун яхши имконият яратиб берди.

Чемпионатнинг биринчи ярмини барқарор ўтказган жамоалар – "Дўстлик" ва "Сурхон" иккинчи даврада мухлислар ишончини оқлай олмаяпти. 16-турда рақибларидан мағлубиятга учраган мазкур жамоалар бу гал ўзаро куч синашди. "Дўстлик" футболчиларидан С. Қурбонов ҳамда Ф. Пўлатов сурхондарёликлар дарвозасига учтадан тўп киритиб, жамоасининг 6:0 ҳисобидаги ютуғини таъминлади.

Мусобақа жадвалида 47 очко жамғарган "Пахтакор" пешқадамлик қилмоқда. Олтин медал учун баҳсда "Пахтакор"га асосий рақобатчи бўлган "Нефтчи" 45 очкога эга.

Бронза медал учун "Қизилқум", "Насаф" ҳамда "Навбаҳор" жамоалари курашиши тобора ойдинлашиб бормоқда.

***Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,***
***ЎзА шарҳловчиси.***

# «УСТА НОРМАТ»ГА — ОМАД

*Ўзбекистонда футболни ривожлантириш, ёзги таътил даврида спортнинг оммавий турларига ёшларни кенг жалб қилиш мақсадида қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан «Футболимиз келажаги» мусобақасини ўтказиш анъанага айланди.*

Оққўрғон туманининг марказий ўйингоҳида ушбу мусобақаларнинг 12-13 ёшлилар ўртасидаги вилоят босқичи бўлиб ўтди. Беллашувларда вилоят ҳудудий босқичларида ғолиб бўлган саккиз терма жамоа қатнашди. Қизғин ва муросасиз курашларда Оққўрғон туманининг «Уста Нормат» жамоаси ғалаба қозонди. Иккинчи ўринни Қибрайнинг «Ўнқўрғон», учинчи ўринни Бўка туманидаги «Янгибод» маҳалласи футболчилари қўлга киритишди.

Ғолиблар «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланишди.

Эндиликда оққўрғонликлар республика босқичига тайёргарлик кўришмоқда.

«Футболимиз келажаги» мусобақаларининг 13-14 ёшлилар ўртасидаги вилоят финал босқичи эртага Ўртачирчиқ туманида бўлиб ўтади.

***Раҳим БОЛТАБОЕВ.***

# СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

*«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилоят бўлими томонидан шоҳмот ва шашка бўйича республика мусобақаларининг вилоят финал боскичи ўтказилди.*

Ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбиясини янада кучайтириш мақсадида ташкил этилиб, Қибрай туманидаги шоҳмот клубида ўтказилган ушбу мусобақаларда вилоятимиз шаҳар ва туманларидан жами 55 нафар ёш шоҳмотчи ўзаро дона сурди. Шоҳмот бўйича ўғил болалар ўртасидаги мусобақада қибрайлик Қ. Раҳимжонов, қизлар ўртасида ангренлик Н. Ниёзова ғолиб бўлишди. Шашка бўйича эса, Янгийўл тумани вакили А. Юсупов ҳамда оҳангаронлик Ш. Алиева биринчи ўринни эгаллашди.

***Хуршида НАЗАРОВА.***

Биринчи табақа

# ТЎП КИРИТМАСАНГ, ЮТУҚ ҚАЙДА

*Футбол бўйича мамлакат чемпионати биринчи табақа жамоалари 15-тур мусобақаларини ўтказдилар. Олти учрашувнинг учтасида мезбонлар, яна учтасида меҳмонлар ғалаба қозондилар.*

Вилоятимиз вакили «Ангрен» пойтахтнинг «Пахтакор-2» жамоасини қабул қилди. Мезбонлар фақат ғалаба учун майдонга тушганлари учрашувнинг дастлабки дақиқаларидаёқ аён бўлди. Улар кетма-кет хавфли ҳужумлар уюштириб, иложи борича кўпроқ тўп киритишга ҳаракат қилдилар. Зеро, голсиз ғалабага эришиб бўлмайди. Бу учрашувнинг якуний натижасида ҳам ўз аксини топди. «Ангрен» 4:1 ҳисобида ғалаба қозониб, саккизинчи ўринда мустаҳкамланиб олди.

Бироқ, ушбу табақадаги иккинчи вакилимиз «Кимёгар»дан омад юз ўгирди. Жадвалда олтинчи ўринда бораётган чирчиқликлар «НБУ-Осиё» жамоасининг меҳмони бўлиб, йирик ҳисобда (1:7) ўйинни бой бердилар.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Шўртан» — «Сўғдиёна» — 0:7; «Шўрчи» — «Чиғониён» — 0:1; «Косонсой» — «Шаҳрихон» — 3:1; «Хоразм» — «Хазорасп» — 0:2.

Чемпионатда «Сўғдиёна» жамоаси 41 очко билан биринчи ўринда бормоқда.

Вилоят чемпионати

# ПЕШҚАДАМЛАРГА МАҒЛУБИЯТ ЯРАШМАЙДИ

*Вилоят чемпионатида навбатдаги ўн тўртинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди. Ушбу турдаги кутилмаган натижа Оққўрғонда қайд этилди.*

Гап шундаки, «Акмал» футболчилари чемпионат бошидан чиройли ўйин кўрсатиб, узоқ муддат пешқадамлик қилдилар. Бироқ, кейинги пайтларда жамоанинг ўйинлари қовушмай қолди. Мана, ниҳоят, оққўрғонликлар ўз майдонларида ҳам «Шоликор» жамоасига ўйинни 1:2 ҳисобида бой бердилар. Тўғри, улар ҳамон учинчи ўринни эгаллаб туришибди. Аммо, пешқадам билан орадаги очколар фарқи саккизтага етганлиги нафақат олтин, балки кумуш медал учун курашни ҳам қийинлаштириб қўйди.

«Металлург» эса ҳақиқий пешқадам эканлигини рақиб майдонида ҳам исботлади. У «Кимёгар»нинг меҳмони бўлганига қарамай, 2:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Қолган учрашувлар қуйидаги натижалар билан якунланди: «Олмалиқ-Д» — «Бўстон» — 5:0; «Олимпиачи» — «Бўкалик» — 3:2; ТошДАУ — «Оҳангарон» 1:1. «Қибрай» — «Цементчи» учрашуви кеча бўлиб ўтди.

Навбатдаги ўн бешинчи тур ўйинлари 16 август куни ўтказилади.

***Самад ЙЎЛДОШ.***

**Ўн тўртинчи турдан сўнг жамоаларнинг жадвалда эгаллаган ўринлари**

| Жамоалар | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| «Металлург» | 14 | 12 | 2 | 0 | 40-10 | 38 |
| «Қибрай» | 13 | 10 | 2 | 1 | 49-17 | 32 |
| «Акмал» | 14 | 9 | 1 | 4 | 50-24 | 30 |
| ТошДАУ | 14 | 8 | 4 | 2 | 38-22 | 28 |
| «Шоликор» | 14 | 7 | 1 | 6 | 26-27 | 22 |
| «Бўкалик» | 14 | 5 | 4 | 5 | 27-22 | 19 |
| «Оҳангарон» | 14 | 4 | 5 | 5 | 23-27 | 17 |
| «Цементчи» | 13 | 4 | 2 | 7 | 23-27 | 14 |
| «Олимпиачи» | 14 | 3 | 2 | 9 | 16-39 | 11 |
| «Кимёгар» | 14 | 3 | 1 | 10 | 14-31 | 10 |
| «Олмалиқ-Д» | 14 | 3 | 1 | 10 | 23-42 | 10 |
| «Бўстон» | 14 | 2 | 0 | 12 | 19-53 | 6 |

# Биласизми?

Англия, Голландия ва Япония олимлари яқинда чойнинг яна бир мўъжизавий хислатини кашф этдилар. Мунтазам равишда чой ичиб юрадиган кишилар ошқозон яраси ва ҳаттоки, ошқозон саратони (рак) касалликларига камдан-кам чалинар эканлар.

Қаранг, доно халқимизнинг чойни севиши бежиз эмас экан. Зеро, у чанқоқни босади, овқат яхши ҳазм бўлишига ёрдам беради, толиққан асабларга қувват бахш этади.

Европа халқлари эса чойдан кўра кофе, какаони хуш кўрадилар. Шунда ҳам Буюк Британияда бир кунда 18 миллион пиёла чой истеъмол қилинади. Олимлар бу чойхўрликни етарли эмас, деган хулосага келдилар. Соғлом бўлишни истаган инглизлар ҳам энди ўзбеклардек чойхўрликни ўрнига қўйсалар, ажабмас.

* * *

Одам вужудидан бир соат ичида бир литр муздек сувни қайнатишга етадиган иссиқлик ажралар экан. Агар бизнинг баданимизда тери ўрнига иссиқ ўтказмайдиган қоплама бўлганида, ҳар соатда баданимиздаги иссиқлик 1,5 градусга ошиб, 40 соатдан сўнг қайнаш даражаси, яъни 100 градусга етар эди. Шундай экан, ёзнинг иссиқ кунида сунъий матодан кийим кийиш ўта зарарли эканлигини унутмайлик.

* * *

Кумуш идишда сақланган ёки тоза кумуш буюм солиб қўйилган сув шифобахш бўлиб, қатор касалликларни келтириб чиқарувчи микробларни ўлдирар экан.

Бундай сув томоқ ёки оғиз бўшлиғидаги яллиғланиш, яра ва замбуруғли касалликларни тузатишда асқотади. Бу сувдан кунда уч марта овқатдан аввал икки қошиқдан ичиб турилса, ошқозон-ичак касалликларининг олди олинади.

***К. ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.***

Уйга эгалик ҳуқуқи ҳақидаги 1993 йил 26 январда Мукарам Халимбаевна Абдукаримбекова номига берилган 10-02/4450 рақамли давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Янги анъаналаримиз

# АНТИКА УЧРАШУВ

Дам олиш куни эрталаб телефон жиринглади. Гўшакни олсам, ёшликдан бирга ўсган ўртоғим Маҳамаджон:

— Ўртоқжон, бирров бизникига кел, сенга маслаҳатли гап бор, — деди.

Унинг уйига бора-боргунча бу ўртоғим ҳақида ўйладим. Маҳамаджон Файзиев 46 йилдан бери маҳалла фуқаролар йиғинида котиб. Маҳалла бўлганида ҳам Тошкентдаги энг катта маҳаллалардан бири — 18 мингдан ортиқ аҳолиси бўлган Дўмбиробод маҳалласи. Камина маҳалла фаолларидан бири бўлганим учун буни яхши биламан.

Илгари Дўмбиробод Тошкент вилоятидаги бир қишлоқ эди. 1957 йили Тошкент шаҳри Жанубий-Ғарбий томонга кенгайди, ана шу пайтда Яккасарой туманида бу маҳалла ташкил этилиб, Маҳамаджон Раҳматович Файзиев маҳалла котиби вазифасига сайланди. У мана шу жойда, деҳқон оиласида туғилган (ўша пайтларда Дўмбиробод дала бўлган), шу қишлоқ мактабида ўқиди. 10-синф ва институтни битириб, шу ерга ўқитувчи бўлиб келди. Ҳалигача шу ерда ўқитувчи.

Маҳаллада 42 та кўча бор. 2163 та якка тартибда қурилган ҳовли ва 61 та бир қаватли, икки қаватли, тўрт қаватли уйлар бор. Уларда 20 га яқин миллат вакиллари яшайди. Маҳамаджон ҳаммасини яхши билади.

— Одатда туғилган кунга таклиф қилинмайди, — деди етиб боришим билан Маҳамаджон. — Бизникида туғилган кунни нишонлайвериш одат эмас. Ана-мана деб етмишга кириб қолибмиз. Шуни дўстлар билан, дўстлар бўлганда ҳам ўнинчи синфни бирга битирган ўртоқлар билан нишонласак, деб сенга маслаҳат солмоқчи эдим.

— Ундай бўлса, дастурхон ёзиш сендан, ўртоқларни топиб, таклиф қилиш мендан бўлар экан-да, — дедим.

Иккаламиз ўтириб эслашдик. Бундан 53 йил аввал, Тошкент вилояти, Тошкент қишлоқ туманидаги 21-ўрта мактабнинг 10-синфини 19 киши, фақат ўғил болалар битирган эканмиз. Бу орада саккиз киши оламдан ўтиб кетипти. Уларни номма-ном хотирладик. Қолган ўн бир киши ҳозир қаердалигини эсладик. Йиғиладиган кун ва соатни белгиладик. Мен унинг уйидан чиқиб, қўшни Маданият маҳалласида яшаётган Мақсуд Мусаевникига бордим. Уйида экан. Мусаев радиожурналист бўлиб, пенсияга чиққан. Менинг таклифимдан жуда қувониб кетди.

Сирғали туманидаги Чоштепа маҳалласига бориб, Рўзимат Сайлововнинг уйини суриштириб топдим. 57-йўналишдаги автобусда Эркиндан Тирсакободга келдим. Салор кўпригидан ўтиб, Зангиота туманидаги Навоий номли жамоа хўжалигининг Пасткидархон қишлоғига бордим. Сўраб-суриштириб, ўқитувчи Зикрилло Назировни, сабзавоткор деҳқон Жамил Ғойиповни уйларидан топдим. Улар менинг таклифимни худди орзиқиб кутаётгандек бўлишди. Ҳасанбой Раҳимбердиевнинг ҳовлиси ёнига борганимда, у ариқ бўйидаги сўрида икки қўшниси билан шоҳмот суришаётган экан. Мақсадимни эшитиб, уйидан «Нексия»сини олиб чиқди. Ҳ. Раҳимбердиев олий ўқув юртида ўқитувчи бўлган, ҳозир пенсияда. Биргалашиб Мавлон Ҳожибоевни уйидан топдик. У ҳам ўқитувчиликдан пенсияга чиқипти. Эртасига Самарқанддарбоза маҳалласига Раҳим Каримовни қидириб бордим. Ошпаз бўлгани учунми, уни топиш қийин бўлмади.

Ниҳоят, ҳаммамиз учун орзиқиб кутилган кун ва белгиланган соат ҳам етиб келди. Деярли ҳамма баробар маҳалла котибининг уйига келди. Ҳовлига қўйилган стол атрофига жойлашдик. Суҳбатимиз қизияпти. Рўзимат ёнида ўтирган кишига ишора қилиб: «Мен бу кишини танимаётган эдим. Сизларнинг гапингиздан Мақсуд эканини билиб олдим», — дейди. Шу пайт Раҳим ака келиб қолди. У ҳамма билан бир-бир сўрашиб чиқиб: «Карим келмадими?» — деди. Ҳамма унга қаради. Ўртада кулги кўтарилди. Столнинг нариги томонида, унинг тўғрисида ўтирган киши: «Мен Карим бўлмай, кимман», — деб сўради. Раҳим у билан стол устидан чўзилишиб, қўл узатиб, бошқатдан кўриша кетди. Бу табиий ҳолат. Улар 53 йилдан сўнг кўришишяпти. Номини унутмаган, бир-бирини шунча йил кўришмаган. Суҳбат қизигандан қизийди.

Мен ҳар бир ўртоқни қидириб топганимда, унинг туғилган йили, ой-куни, ҳозирги яшаш жойи — кўчасининг номи, уйининг рақами, телефони бўлса, унинг рақамини ёзиб олгандим. Алфавит бўйича рўйхат қилиб, кўпайтириб, ушбу йиғилишда ҳаммага улашдим. Унда фақат Чингиз Расулов деган ўртоғимиз ҳақида юқоридаги маълумотлар йўқ. Чунки, уни ҳозирча топа олмадим. У Тошкентдан узоқроқда экан. Бугунги йиғилишнинг сабабчиси, маҳалламиз котиби Маҳамаджон Файзиевни етмиш ёши билан табрикладик. Унга «Обод маҳалла йили» дастурини амалга оширишда омад тиладик.

Кейинроқ ўша йиғилишимизда иштирок этмаган синфдошимиз Чингиз Расуловни ҳам топдим. У ҳарбий хизматчи бўлиб, пенсияга чиқибди, ҳозир оиласи билан Қибрай туманидаги Чинобод қишлоғида яшар экан. Боғдорчилик билан шуғулланар экан. Чингиз Расулов иштирокида яна бир марта Тошкентдаги «Навбаҳор» чойхонасида учрашув ташкил этдик. 53 йилдан кейин учрашган синфдошлар топишишгани жуда антиқа воқеа бўлди.

***Йўлдош МАНСУРОВ.***

# ЯПОНИЯДА – ЎЗБЕК МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАРИ МАКТАБИ

*Токиодаги Сугино дизайн ва модалар коллежида ўзбек миллий либосларининг кўргазмаси ўз ишини бошлади. Унда миллий кийимларга асосий ўрин ажратилган бўлиб, жумладан зардўзи тўн, духоба ва беқасам тўнлар кенг намойиш этилмоқда.*

Сугино коллежи Япониядаги энг нуфузли санъат ва маданият марказларидан бири ҳисобланади. Бу жойда 17 дан — 25 ёшгача бўлган беш мингдан зиёд талабалар замонавий либослар дизайни соҳасида таълим олишади. Коллеж ўқув хоналари графикага мосланган замонавий компьютерлар ва бошқа зарур техника анжомлари билан тўлиқ жиҳозланган. Муҳими, бу ерда нафақат япон либослари, балки бутун жаҳон халқлари либосларини чуқур ўрганган олимлар ва ўқитувчилар таълим беришади. Улар ўз талабаларининг мукаммал билим олишларини таъминлаш мақсадида мунтазам ижодий изланишлар олиб боришади.

– Биз коллежимизда айнан ўзбек миллий либосларининг кўргазмасини ташкил этганлигимиз бежиз эмас. Чунки, кўп йиллар давомида мутахассис-олимларимиз жаҳоннинг турли бурчакларида бўлишиб, либослар дизайни тарихини атрофлича ўрганишди. Уларнинг хулосасига кўра, аксарият дунё халқларининг анъанавий кийим-кечакларида ўзбек миллий либослари элементларини жуда кўп учратиш мумкин, – дейди коллеж кутубхонаси ва музейи раҳбари жаноб Йошифуми Накахара.

***«Жаҳон» АА.***

*Шу йилнинг 23-24 сентябрь кунлари Тошкентда ахборот коммуникация технологиялари бўйича миллий анжуман ўтказилади.*

# АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АНЖУМАНИ

Миллий анжуман Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, БМТ Тараққиёт дастури ва «Itesa Osiyo» компанияси томонидан уюштирилмоқда.

Ушбу анжуман Ўзбекистонда ахборот коммуникация технологиялари аҳволини баҳолашга ва мамлакатда уни ривожланиши бўйича таклифларни ишлаб чиқишга, шунингдек давлат, хусусий ва жамоат секторлари ҳамкорлигини кенгайтиришга имкон беради. Анжуман иштирокчилари олтита секцияга бўлиниб иш олиб боришади. Анжуманнинг иккинчи кунида Ўзбекистонда ахборот коммуникация технологияларини ривожлантиришга кўмаклашиш мавзуида халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг раҳбарлари сўзга чиқишади. Хусусан, ЮСАИД, Жаҳон банки, «Очиқ жамият» институти, ЕТТБ, ОТБ, ЕХҲТ ва Европа уйи ташкилотларининг вакиллари маърузалар қилишади.

Шу йилнинг июнь ойида Ўзбекистон ҳукумати 2002-2010 йилларда мамлакатда компьютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурини қабул қилди. Дастур чет эл банклари кредитлари, шунингдек операторлар ва провайдерларнинг хусусий маблағлари ҳисобига молиялаштирилади. 2010 йилга бориб республика аҳолиси ўртасида интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони олтмиш бараварга ошади.

***«Туркистон-пресс».***

# УЛАРНИ КИНОЛОГЛАР ДЕЙИШАДИ



Итларнинг ички ишлар ходимларига кўмаги катта бўлмоқда.

Боболаримиздан қолган бир гап ҳеч ёдимиздан кўтарилмайди:

— Ит — вафо, — дейишарди улар.

Дарҳақиқат, бу маҳлуқда хислат кўп. У ҳақиқий дўст, мушкулингизни осон қилади, хавф-хатардан огоҳ этади.

Яқин дўстимиз кунлардан бир кун итини эргаштирганча тоғга — саёҳатга чиқиб кетади. Бироқ, туш вақтида ҳовлига безовталаниб югуриб кирган ит уйдагиларни ҳайратга солади. Жонивор йигитнинг укасини шимидан тортиб, тоғ томонга «судрайди». Воқеа жойига етиб боришганида, баландликдан йиқилиб, йигит оғир жароҳат олганлиги маълум бўлади. У 30-40 метр масофага ити ёрдамида судралиб келганлиги қон изларидан билиниб турарди. Шу тариқа бир инсоннинг ҳаёти сақлаб қолинади.

Бу жонзотнинг ички ишлар идоралари ходимларига катта ёрдами тегмоқда. Ҳар қандай жиноятчини қўлга олишда, уни қуролсизлантиришда, наркокурьернинг ўта ҳийла билан яширган гиёҳвандлик моддаларини қидириб топишда кинология хизматининг ўрни беқиёс.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кинология хизматини янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарори талабларини бажариш мақсадида ички ишлар бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Ҳозирги кунда кинология гуруҳларида 180 та хизмат ити мавжуд. Кинологлар улар билан мунтазам равишда машғулотлар олиб боришмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида хизмат итлари тезкор-қидирув гуруҳлари билан жиноят содир этилган жойларга чиқиб, 117 та жиноятни фош этишда қатнашди. Шундан 78 таси ўғрилик, 27 таси гиёҳвандлик ва қолганлари қотиллик, босқинчилик, талончилик каби оғир жиноятлар билан боғлиқдир. Хизмат итлари ёрдамида гиёҳвандлик моддаларини етиштириш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланувчи шахсларнинг қилмишларини ошкор этиб, қисқа муддатда 557,366 грамм гиёҳвандлик моддалари олинди. Масалан, чирчиқлик Мурод кўпдан буён ички ишлар ходимларида шубҳа уйғотарди. Бу гумонларга милиция кичик сержанти Н. Валиев билан бирга «Жина» лақабли ит ойдинлик киритди. Мурод устамонлик билан яширган марихуана ва героин гиёҳвандлик моддаларини «Жина» топиб берди. Дастлабки суриштирув жараёнида Мурод ушбу заҳриқотилни сотиш мақсадида эканлигини яширмади.

Кинологларнинг касб маҳорати ва билим савияларини ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоят ички ишлар идоралари милиционер-кинологларининг хизмат итлари билан умумқидирув фаолиятини амалга ошириш, портлатиш воситалари, хавфли моддалар, қуроллар ва ўқ-дориларни қидириб топиш, уларни зарарсизлантириш, ўстирилаётган гиёҳвандлик ўсимликларини излаш, яширин сақланаётган наркотик моддаларни топиш йўналишлари бўйича ўқув машғулотларига етакчи мутахассислар жалб қилинмоқда. Бу жиноятларни фош этишда қидирув хизмати итлари иштироки самарадорлигини ошираётир.

***Ғулом МУСАЕВ,***
***вилоят кинология хизмати бошлиғи.***
***Шерали АНВАРОВ,***
***вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот марказининг ходими.***

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

*Бош муҳаррир* **Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

*Телефонлар:* Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10, 136-53-80.

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-586. Адади 4044. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умиджон АБДУШОҲИДОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.50. 1 2 3 4 5 6